

## МОРФОЛОГИЯГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

ф.ф.б.ф.д., доц. **С.М.Курбонова**

ФарДУ мустақил тадқиқотчиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги Фарғона академик лицейи тилларни ўрганиш кафедраси бошлиғи

**Аннотация.** *Ушбу мақолада грамматика, хусусан, морфологик тушунчаларининг психолингвистик таҳлили хусусида гап боради. Унда ўзбек тили матнларида атоқли отларнинг қўлланилиши билан боғлиқ ҳолатлар таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *психолингвистика, прагматика, морфология, от, атоқли от.*

Дунёда аксарият тилларнинг грамматик белгилари морфологик шакллар ифодаси орқали акс этади. Морфологик хусусиятлар тилнинг материал жиҳатини фан нуқтаи назаридан ўрганилиши ҳосиласи бўлиб, у тил тараққиёти жараёнларининг ривожланишидан бойиб боради. Тилнинг генеративлик функцияси шу тилда мулоқот қилувчиларнинг лисоний оламида рўй бераётган эҳтиёжлар сабаб ривож топади.

Тилда мавжуд грамматик шакллар адабий тилда категорияларга ажратилган ҳолда тартибга солинади. Сўзларнинг туркумланиши тилшуносликнинг морфология бўлимида ўрганилади. Айтиш мумкинки, тил масалаларини грамматик гуруҳларга бўлиб ўрганишга асос солган олим Маҳмуд Замахшарий бўлиб, унинг араб тили грамматикасига оид рисоалари [2] жаҳон тилшунослигида катта ютуқ бўлган. Дунёда жуда кўп тиллар айнан шу асосда морфологик таснифланади.

Психолингвистик тадқиқотларга таянган ҳолда ёндашиладиган бўлса, морфологик таснифлар ва уларнинг аҳамиятлилик даражаси ўзгаради. Айниқса, соф номинатив вазифа бажарган бирликларнинг психолингвистика учун аҳамиятлилик даражаси унча юқори бўлмайди, балки матнни кўшимча равишда тўлдирувчи, уларда шахс хусусиятлари намоён бўлишига кўмаклашувчи кўпинча, иккинчи даражали бўлиб баҳоланган бирликлар эса катта аҳамият касб этади. Яъни матнда мазмун тушунарли бўлиши учун зарур бўлган бирликлар асосий вазифа бажаришига қарамай, улар зарурий қисм сифатида

психоллингвистика учун нейтрал зонадан ташқарига чиқмайди, кўшимча равишда тўлдирувчи нисбатан ноқерак ва муҳим бўлмаган бирликлар эса ахборот етказилишидан кўра кўпроқ тасаввур пайдо бўлишига хизмат қилиб, психоллингвистика учун ўта катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбек тилини фан сифатида мукамал ўрганилган тиллар қаторига киритиш мумкин. Унинг грамматик хусусиятлари, айниқса, чуқур ўрганилган ва ўрганилиб келинмоқда. Унда мустақил сўз туркумлари ва ёрдамчилар, уларнинг таркиби, таснифи ҳамда таснифи юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилган. Бунда ўрганиш учун асос бўлган тарихий манбаларни ҳам келтириш мумкин. Кейинги давр ўзбек адабий тилининг тадқиқи юзасидан ҳам муваффақиятли олиб борилган ишлар талайгина. Уларга Ш.Раҳматуллаев [10], Ш.Шоабдурахмонов [14], Ҳ.Неъматов, Р.Расулов [6], Ё.Тожиёв [11], А.Ҳожиёв [18], С.Усмонов [12], А.Нурмонов [7], Ш.Искандарова [8], М.Жўрабоева [1], М.Ҳакимов [16; 17], Б.Менглиёв [4], Ш.Шаҳобиддинова [13], А.Пардаёв [9], Н.Қодирова [15], Т.Мирзақулов [5], З.Маъруфов[3]ларнинг илмий изланишларида ўзбек тили морфологиясига оид назарий маълумотлар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга “сўзловчининг мавжудликдаги воқеликка муносабатини ифода этувчи морфологик воситалар морфопраграммик йўналиши” [16, 53] ни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, тилшуносликнинг бу жиҳатига оид жуда кўплаб масалалар ўз ечимини топмаган. Мазкур ёндашув бугунги кунда ниҳоятда долзарб эканини ҳисобга олган ҳолда ўзбек тили мисолида изланишлар олиб боришга катта эҳтиёж мавжуд.

Ўзбек тили прагматик қоидалари ҳалигача илмий асосланмаган. Отларнинг грамматик хусусиятлари ҳамда семантик маънолари прагматик жиҳатдан тадқиққа тортилганда, умумийлик белгиларининг аҳамиятлилик даражаси пасаяди, алоҳида мақсадга кўра қўлланилган бирликларнинг эса прагматикада муҳимлиги ортади. Барча тиллар, хусусан, ўзбек тили прагматикасини ўрганиш мустақил сўз туркумларидан энг асосийси ҳисобланган отларнинг кўплаб характерли жиҳатларини очиб беради. Бу ўринда ҳатто атоқли отларнинг ифода шакли ҳам муҳимлашиши, ундан фойдаланувчининг миллий-психик хусусиятларини кўрсатувчи воситага айланиши мумкин. Масалан,

***ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДАГИ  
СУХАНДОН ЭЪЛОНИ***

– *Диққат! Диққат! Ургенч – Тошкент йўналиши бўйича йигирма тўртинчи рейс билан учиб келган йўловчи Тешабой Болтабоевич Деҳқонбоев! Сизни ўғлингиз Альберт, қизингиз Офелия, куёвингиз Фридрих, келиннгиз Луиза, невараларингиз – Ричард, Эрнест, Изабелла, Карлсон, Сильвия, Зико, Индира, Кастилио, Чандра, Марильда, Арчибальд ва... чеварангиз – Мошхўрда кутиб туришибди!..*

(Ў.Ҳошимов, Дафтар хошиясидаги битиклар. 271-бет)

Келтирилган матн парчасида 17 нафар шахсга атаб қўйилган 19 та атоқли от берилган. Шахслар ўзаро қариндош эканлиги англашилгани ҳолда исмлардаги миллий-ижтимоий-сиёсий фарқланишлар аجدодлар ва авлодлар ўртасидаги маънавий узоқлашув ва бадийлаштирилган кинояни (Мошхўрда) кўрсатади. Бу тилдан фойдаланишнинг прагматик соҳасига тегишли масалалардан бири саналади. Матнда *Тешабой Болтабоевич Деҳқонбоев* исм-шарифининг соф туркий – ўзбекона шаклга эга бўлгани ҳолда ўғилнинг исми *Альберт*, қизнинг исми *Офелия*, куёв *Фридрих*, келин *Луиза*, невараларнинг исмлари *Ричард*, *Эрнест*, *Изабелла*, *Карлсон*, *Сильвия*, *Зико*, *Индира*, *Кастилио*, *Чандра*, *Марильда*, *Арчибальд* ва ниҳоят чеваранинг исми *Мошхўрда* бўлиши (бу ўринда ёзувчи исми атайин бузиб ишлатиш билан бадий-услубий маъноларни юзага чиқаришга эришган: 1) *Мошхўрда* – аёллар исмининг бузиб айтилиши, аэропорт суҳандони бу исми ўқишда хатоликка йўл қўйганлигига ишора қилинмоқда; 2) *мошхўрда* – мош ва гуручдан тайёрланадиги суюқ таом (ЎТИЛ, 2-том, 620-бет), ўзбек тили прагматикасида ҳамма нарса аралаш-қатиш, фарқи йўқ даражага келиб қолиш ҳолатига нисбатан ишлатилади) муҳим прагматик мазмун ифодалайди.

Психолингвистик тадқиқотлар грамматик таҳлиллардан фарқ қилади. Грамматик таҳлилларда шакл ва маъно муносабати асосий бўлиб, грамматик шакл ва грамматик маъно тушунчаларигагина эътибор қаратилса, психолингвистик таҳлилларда прагматик мақсад тушунчаси асосий ўринни эгаллайди; грамматик шакл ва грамматик маъно ўз ўрни билан у ёки бу даражада мақсаднинг ифода этилишига хизмат қилади. Аксар ҳолларда грамматик восита ҳамда маъно ифодаланиши билан прагматик мақсад амалга ошади, яъни улар ўртасида фарқ бўлмайди. Аммо бу билан уларни ҳар қачон ўзаро мос келади, улар ўртасида фарқ йўқ, деб баҳолаб бўлмайди. Психолингвистик таҳлиллар учун прагматик билимлар ҳам керак бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жўрабоева М. Ўзбек тилида аффиксал омонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. – 1975.
2. Махмуд аз-Замахшари — Википедия (wikipedia.org)
3. Ма'руфов З. So'z sostavi. Ot va sifat. Ziyoz.uz. kutubxonasi. <https://n.ziyouz.com/kutubxona>. 21.08.2023. 22:28
4. Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва имкониятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – 1996; Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатхлараро муносабатлар: Филол. фан. д-ри ... дисс. – 2002.
5. Мирзакулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – 1994.
6. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент, 1995.
7. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги авлод, 2001.
8. Nurmonov A. va boshqalar. Hozirgi o'zbek adabiy tili. 2-kitob. – Toshkent: Im-ziyo, 2015. – 604 b.
9. Пардаев А. Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчиларнинг функционал стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2005.
10. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. – Toshkent: Universitet, 2006. – B.7.
11. Тожиев Ё. Ҳозирги ўзбек тилида эгалик ва эга эмаслик маъносини ифодаловчи сўз ясовчи аффикслар синонимияси: Филол. фан. номз. ... дисс. – 1974; Ўзбек тилида аффиксал синонимия: Филол. фан. д-ри ... дисс. – 1992; Ўзбек тили морфемикаси. – Тошкент. 1992. 245 б.
12. Усмонов С. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. – Тошкент, 2010. – 199 б.
13. Шаҳобиддинова Ш. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – 1996.
14. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 351 б.
15. Қодирова Н. Ўзбек тилидаги аффиксларда полифункционаллик: Филол. фан. номз. ... дисс. – 2002.

16. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – 2000.
17. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари – Тошкент: Akademnashr, 2013.
18. Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент, 1979. – 189 б.; Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 256 б.
19. Shavkatovna, T. M. (2024, June). NUTQ MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK QARASHLAR. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE (Vol. 1, No. 6, pp. 3-7).
20. Normahmatovna, P. N. (2021, July). THE ROLE OF ACTIVE INVESTMENT POLICY IN ACHIEVING THE COMPETITIVENESS OF THE TOURISM INDUSTRY IN THE REGION. In E-Conference Globe (pp. 144-152).
21. Shavkatovna, T. M., & Ruhshona, K. (2024, May). PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON MODERN DEVELOPMENT OF PEDAGOGY AND LINGUISTICS (Vol. 1, No. 5, pp. 17-22).
22. Panjiyeva, N. (2023). MINTAQAVIY BANKLARNING INVESTITSIYA FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 1(7), 118-122.
23. Beknazarovna, Q. O., & Shavkatovna, T. M. (2024). TALABALARNING NUTQIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NUTQ MADANIYATINING O‘ZARO BOG‘LIQ XUSUSIYATLARI MAZMUNI. Science and innovation, 3(Special Issue 18), 952-954.
24. Shavkatovna, T. M. (2023). BO‘LAJAK PEDAGOG VA PSIXOBO‘LAJAK PEDAGOG VA PSIXOLOGLARDA NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA KOMMUNIKATIV SIFATLARNING O‘RNI LOGLARDA NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA KOMMUNIKATIV SIFATLARNING O‘RNI. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 1(3), 6-8.
25. Ruzmetov, B., Avezov, M., Babadjanov, J., Eshniyazova, Y., & Panjiyeva, N. (2023). Regional features of investment activeness in the Republic of Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 449, p. 04004). EDP Sciences.
26. Панжиева, Н. Н. (2023). ВНЕДРЕНИЕ ТУРИСТИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН. In Актуальные аспекты теории и практики развития индустрии туризма, гостеприимства и сервиса (pp. 194-199).

27. Shavkatovna, T. M. (2021, June). THE IMAGE OF A BEAST IN THE WORK OF MY MOTHER. In Archive of Conferences (pp. 22-24).
28. Джуманиязова, И. (2024). ВОЗМОЖНОСТИ КОРПУСНОЙ ЛИНГВИСТИКИ В ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО СЛОВООБРАЗОВАНИЯ. «CONTEMPORARY TECHNOLOGIES OF COMPUTATIONAL LINGUISTICS», 2(22.04), 520-524.
29. Аблаева, Н. К. (2024). «В МОЕЙ ВООБРАЗИЛИИ»(ОБЗОР ДЕТСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ БОРИСА ЗАХОДЕРА). НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ “MA'MUN SCIENCE”, 2(1).